

Ансорийларнинг кўзларида бир нарсаси бўлади | Сийрат дарслари (309-дарс)



19:00 / 29.11.2024 2166

542. Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Абдурроҳман ибн Авф Мадинага келганда Набий соллаллоху алайҳи васаллам уни Саъд ибн Робийъ Ансорий билан биродар қилиб қўйдилар. Ансорийнинг иккита хотини бор эди. Шунда у Абдурроҳманга моли ва аҳлининг ярмини бермоқчи бўлди. У эса: «Аллоҳ сенинг аҳлингга ҳам, молингга ҳам барака берсин. Менга бозорни кўрсатиб қўйинглار», деди. У бозордан қурт ва сариёғ орттириб келди. Бир оз вақтдан кейин уни Набий соллаллоху алайҳи васаллам эғнида сариқ бўёқли кийим билан кўриб, унга: «**Нима гап, Абдурроҳман?**» дедилар. «Ансорийлардан бир аёлга уйландим», деди. «**Унга (махрига) нима бердинг?**» дедилар. «Бир данак вазнича тилла», деди. «**Битта қўй сўйиб бўлса ҳам тўй қил**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

543. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир киши келиб: «Ансорийлардан бир аёлга уйландим», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Унга назар солдингми?**

Ансорийларнинг кўзларида бир нарсаси бўлади», дедилар. «Унга назар солдим», деди. **«Унга қанча (махр)га уйландинг?»** дедилар. «Тўрт увқияга», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Тўрт увқияга? Худди кумушни мана шу тоғнинг ёнбағридан қўпориб олаётганга ўхшайсизлар-а! Бизда сенга берадиган нарсамиз йўқ. Лекин бирор гуруҳ билан юборишимиз мумкин. Шояд, бирор нарса топсанг!»** дедилар. Сўнг Бану Абасга гуруҳ юбордилар ва ҳалиги одамни улар билан жўнатдилар».

Муслим ривоят қилган.

Увқия - кумуш пулнинг ўлчови. Бир увқия қирқ дирҳамга тенгдир. Тўрт увқия 160 дирҳамга тенг.

544. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, вафо қилиниши энг ҳақли шарт фаржларни ҳалол қилиб олганингиздаги (никоҳдаги) шартдир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

545. Абу Салама ибн Абдурроҳмандан ривоят қилинади:

«Оиша розияллоҳу анҳо унга қуйидагининг хабарини берган: «Аллоҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга жуфти ҳалолларини ихтиёрларига қўйишни амр қилганда у зот унинг (Оишанинг) олдига келибдилар. У айтади: «(Ихтиёрга қўйишни) мендан бошладилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, сиз олдимизга бир ой кирмаслик ҳақида қасам ичган эдингиз. Йигирма тўққиз кунда кирдингиз. Санаб турибман», дедим. **«Ой йигирма тўққиз кунлик эди. Эй Оиша, сенга бир ишни айтаман. Шошилмай ота-онанг билан маслаҳатлаш»**, дедилар. Сўнгра менга «Эй Набий, жуфти ҳалолларингга айт...» оятини «ажран азийман»гача ўқиб бердилар. Аллоҳга қасамки, у зот ота-онам мени ўзларидан ажралишга буюрмасликларини билар эдилар. Шунда мен: «Бу ишда ота-онам билан маслаҳат қиламанми? Мен Аллоҳни, Унинг Расулини ва охират диёрини

ихтиёр қиламан», дедим. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча жуфти ҳалоллари мен қилган нарсани қилишди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.